

---

## Соҳибқирон таваллудига бағишлаб таълим муассасаларида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Амир Темур — ўзлигимизни англаш, миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаш борасидаги улуғвор ишларда халқимизга маънавий куч бағишлаб келаётган улуғ сиймолардан биридир.

Соҳибқирон таваллуд топган кун мамлакатимизда ҳар йили кўтаринки руҳда кенг нишонланади. Бу йил ҳам улуғ саркарда таваллудининг 687 йиллиги тадбирлари Қува туманидаги таълим муассасаларида кенг нишонланмоқда.

Жумладан тумандаги 1-Давлат мактабгача таълим ташкилотининг тарбиячилари ва мазкур муассасадаги тарбияланувчилар иштирокида соҳибқирон таваллудига бағишлаб маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Тадбирда таълим муассасасининг тарбияланувчилари ўз устозлари кўмагида тайёрлаган сахна кўринишлари, ёд олган шеърлари ва ижро этган куй қўшиқ ва рақслари йиғилганларга бирдек манзур бўлди.

Тадбирда шунингдек туман ҳокими Халимжон Умаров, туман прокурори Отабек Тошматов ва жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

2023-04-07 15:02:10